



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №19 (том 3)
(октябрь, 2021)**



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №19 (том 3) (октябрь,
2021). Дата выхода в свет: 31.10.2021.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

ФНО авторов: *А. Алдабергенов*

НДПИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ
КАФЕДРАСИ КАТТА УКИТУВЧИСИ

Б. Калмуратов

НДПИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ
МАГИСТРАНТИ

Название публикации: «ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИНИ УКИТИШДА
ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ИННОВАЦИЯСИ»

Республикамиз халк таълими узига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмокда. Бу узига хослик, энг аввало, таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш, яъни 'узимизнинг жуда бой 'утмиш тарихимиз, маданиятимиз, фанимиз, тилимиз э моцияти билан жуда чиройли, юксак инсоний, ахлокий мазмунга эга булган миллий урф-одатларимиз асосида жамиятимиз келажаги булган ёш авлодни укитиш. Мана шу шароит жамиятимизнинг ёш авлодини юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий хурур рухида тарбиялашимизни тахозо этади. Юксак ахлокий сифатларни тарбиялаш, энг аввало, узимизда бу сифатларни мужассамлаштиришни талаб этилади. Шу билан бирга таълим-тарбияга янгича ёндашиш, янгича услуб ва мазмун, шакл ва воситалардан фойдаланишни ҳам тахозо этади.

Хар кунни янгилик, янги технологиялар юртимизга кириб келмокда. Янги технологиялар уз тушунчалари, «тили» билан кириб келиб, Ватан иктисодиёти, фан-техника тарққитининг даражасини аста-секин юксалтирмокда. Ватанимизнинг педагогик таракқиёти ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Хозирги миллий педагогикамизнинг сираси бу - минг йилликлар давомида шаклланиб, гавхар зарраларидан хосил булган миллий тарбия тажрибаси булса, иккинчиси — жажоннинг илхор, синалган педагогик инновация ютуқларидир. Фан ва амалиёт бирлигининг таъминланиши учун касб-хунар коллежи педагогик фаолияти ҳам бундан мустасно булмаслиги лозим. «Янги педагогик технология», «педагогик диагностика», «кибернетик педагогика», «тест-рейтинг» каби тушунчаларнинг туб мохиятини узлаштирмасдан, улардан у кув-тарбия жараёнида фойдаланмасдан туриб, биз жажон педагогик интеграциясида узимизнинг муносиб мавхейимизга эришмохимиз мушкул булади.

Юртбошимиз Ш М Мирзёев таълим интеграцияси хакида шундай деган эдилар: «Жажон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий таракқиёт суръатлари хали таълимнинг барча бинолари уртасидаги узаро алокаларни мустахамлашни талаб этмокда. Бинобарин, бу хол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини хал этишга жажулжам ёндашишни тахозо этади»¹.

Шу маънода, «интеграция» сузи бирлаштириш деган маънони билдиради.

¹ Каримов И.А. Узбекстоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари.//Ватан саждагох каби мухаддасдир. Т.3. – Т.: Узбекистон, 1996. 3-54 – бетлар.

Шу нуктаи назардан уқув фанларни мазмунини интеграциялаш муаммоси ҳам хозирги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тасвирий санъат фанларини интеграциялаш булажак рассом-уқитувчи тайёрлашнинг касбга (профессионал) йуналганлигини таъминловчи факторлардан биридир. Фанларни интишни интеграциялаш, албатта, илмий асосланган булиши керак. Дидактик нухтаи назардан чекланган вақт оралихида бир неча уқув фанларидан билимларни, бир бутун интегротив тушунчаларни шакллантириши интеграциялашнинг яхлитлик вазифасини белгилайди. Фанларни интеграциялаш - мавзуларни такрорланмаслиги, вақтни тежаш, яъни кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги материални узлаштириш имконини беради ва узида ташкилотчилик вазифасини ҳам ифодалайди. Юқорида курсатилганларни ҳисобга олинганда инити л ишнинг рентабеллигини ҳам оширади. Интеграциялаш асосларига таъсир этувчи бир канча куйидаги асосий омиллар мавжуд: фанлар ривожланишининг объектив конуниятлари; илм-фан таракқиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш; давлат таълим стандартлари; таълим вазифалари; билимлар синтези; таълим жараёнини мазмуни билан бирлиги; уқув режа ва дастурларининг бир-бирини узаро белгилаши; моддий техник база; педагогик ва ахборот технологиялари.

Интеграциялаш функциялари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омил.

1. Таълим мазмунини интеграциялаш умумилмий методологиясида булгуси рассом-уқитувчиларни методик тайёрлаш мазмунини интеграциялашга асосланганлиги сабабли касбий таълим билан умумназарий таълим узвийлигини таъминлаш орқали интеграция методологик функциясини бажаради.

2. Рассом-уқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги уқув фанларини интеграциялаши уз-узида профессионал(касб)га йуналганлик вазифасини бажаради. Таълим мазмунини интеграциялаш жараёни, албатта, илмий асосланган булиши шарт.

3. Интеграциялаш даражаси анча юқори булса, уни амалга ошириш ҳам шунча юқори даражали муаммоларни келтириб чикаради. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини интеграциялаш таълим-тарбия жараёнида муаммоли ривожлантирувчи функциялардан фойдаланишни такозо этади.

4. Дидактик нуктаи назардан чекланган вақт оралихида бир неча уқув фанларидан билимларни, бир бутун интегротив тушунчаларни шакллантириш интеграциянинг яхлитлик вазифасини белгилайди.

5. Булажак рассом-уқитувчиларни методик тайёрлаш мазмунини интеграциялашда кирилаётган тушунчаларни шакллантириш кетма-кетлигини тартибга солади ва шу билан тизимлаштириш функциясини бажаради.

6. Рассом-уқитувчиларни ҳар томонлама тайёрлашнинг зарурий-лиги методик тайёргарликни интеграциялашнинг коммуникатив вазифасини курсатади. Аввало, коммуникатив тушунчалар, билим ва қуникмалар уз табиати буйича универсал ҳисобланади ва уларни шакллантиришнинг узи интегротив ёндашишни такозо этади.

7. Таълим мазмунини интеграциялаши таълим ва тарбия жараёнининг бошқа таркибий элементларига ҳам таъсир курсатади. Мавзуларнинг такрорланмаслиги, вақтни тежаш, яъни кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги материални урганиш имконини беради. Бундай ҳолатлар интеграциялашнинг ташкилотчилик вазифасини узида ифодалайди.

Интеграциялашнинг ҳар бир босқичида булажак рассом-уқитувчиларни умумпедагогик ва хусусий методик тайёрлашнинг интегротив алоқаси янги, илгаригисига нисбатан юқори сифат даражасида счилади.

Укув жараёнида дидактик интеграция тузилмасининг турлари мавжуд. Интеграциянинг умумметодологик турида умумгуманитар фанлар уртасида интеграциялаш кузда тутилади ва улар куйидагилардир:

- интеграциянинг умумилмий тури. Бу ерда фанлар орасидаги узаро алоканинг узвийлиги, тизимли тузилиши, функционал методик ва бошка катор умумилмий ёндашишларни уз ичига олади;

- интеграциянинг хусусий илмий тури. Бу ерда интеграциялашда, асосан, маълум бир туркум фанлари уртасидаги интеграция кузда тутилади;

- интеграциянинг муаммоли тури. Бу ерда укувчилар олдига куёйилган хусусий, илмий, техникавий ёки технологик муаммони ечиш учун бошка фанлар ютуқларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Булгуси рассом-укитувчиларни методик тайёрлаш мазмунини интеграциялашни амалга оширишда таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий ташкилий шаклларидан фойдаланилади.

Олий укув юрти талабалари уз мутахассислиги буйича билимдон булиш билан бирга педагогик ва психологик билимлар, педагогик технология ва ўқитиш методикалари йиғиндисини булган педагогик минимумларни эгаллаган булиши шарт.

Педагогик технология узига куп масалаларни камраб олади, жумладан, назарий ва амалий тасвирий санъат анъанавий воситалари ёрдамида курсатиб булмайдиган купгина жараёнларнинг динамик моделларини компьютер ёрдамида анимация килиб, мультимедия махсулотлари тайёрлаш ва улардан фойдаланиб компьютер дарсларини утказиш ва шу дастурга киритилган таълим мавзусига оид тест саволлари ёрдамида талабаларнинг узлаштириш даражаларини аниқлаш, дарс жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи хорижий давлатлар олимлари томонидан ишлаб чикилган ва синовдан утказилган инновацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, мавзуга оид Республика тасвирий санъатининг асар дурдоналари ва уларни бадий галерея, кургазмалар, музейлар оркали намойишини баён этиш, Қадимий Шарк мутафаккирларининг тасвирий санъатга оид меросларидан ва Ўзбекистон рассомлар ижодларидан дарсда фойдаланиш ва бошкалар.

Талабаларни дарс жараёнида фаоллаштирувчи ривожланган хорижий давлатлар олимлари томонидан ишлаб чикилган ва синовдан утказилган инновацион технологиялар деб аталувчи ўқитиш методлари укув жараёнига татбиқ килинмоқда. Улар жумласига «Муаммоли ўқитиш», «Уйинли технологиялар», «Ақлий хужум», «Индивидуал ўқитиш», «Тармоқлар»(кластер) методи, «Бумеранг» технологияси, «Скарабей» технологияси, «Тарози» технологияси, «Эллипс» технологияси ва бошқаларни келтириш мумкин. Дарс ўтиш жараёнига қайси технологияни танлаб олиш укув фани ва ундаги мавзунинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Компьютер дарси тизимини яратиш ва уни укув жараёнига жорий килиш педагогик технологияларнинг замонавий усулларидан бири ҳисобланади. Бу усулнинг долзарблиги ва катта имкониятларга эга эканлиги шу билан асосланадики, республикамиздаги олий укув юртлари, касб-хунар коллежлари ҳозирги замон компьютер техникаси билан етарлича таъминланган.

Жаҳон педагогик лексиконидан «инновация» тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча «янгилик», «ислох» тушунчалари билан юритилади. Кенг маънода таълим тизимидаги ҳар қандай узгариш педагогик инновациядир. Дастлаб бу тушунчаларни ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан эгаллашган, сунгра таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликларга нисбатан эгалланди. **Педагогик технология** деб аталишининг боиси шунда. Ҳозирга келиб педагогик инноватика фани шаклланди.

Педагогик инноватикага педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан узлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот сифатида қаралади. Бу таълимот уч йўналишни уз ичига олади: **биринчиси** - педагогик неология (юнонча нео - янги ва логос - таълим; янгилик ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда педагогика соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар урганилади, умумлаштирилади; **иккинчиси** - педагогик аксиология (юнонча аксиома - ҳурмат қилмоқ; исботланмайдиган таълимот) дейилиб, бунда педагогик янгиликлар ичидан энг самаралилари танлаб олинади; **учинчиси** - педагогик праксология (юнонча пракс - ҳаракат ва логос - таълим; амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда танлаб олинган педагогик янгиликлар амалиётда қўлланилади.

Ҳар қандай педагогик янгилик замирида бирон-бир гоё ётади. Масалан, бунёдкор педагог С.Н.Лисенковнинг турли дидактик изланишларининг туб моҳиятини янги укув материаллини илгарилама урганиш гоёси ташкил қилади. Бу гоё асосида уқитувчининг болалар билан узаро ҳаракати ётади: синфда психологик бирлик вазиятини яратиш; ҳар бир укувчи уз шахсини ўзи намоён этишини таъминлаш; ҳар бир методик ёндашув учун ўзига хос мулоҳот йилини танлаш; укувчилар ташаббусини зимдан бошқариб бориш. У ҳар бир укувчи қалбига, уларни тушуниб етиш дидактик усуллари, ташкилий шакллари орқали йиул топади. Дарсадаги укувчилар фаолиятига нафаҳат уқитувчи, балки укувчилар ҳам раҳбарлик қилади. Аввал аълочи укувчи, сунгра бошқа укувчилар ҳам уқитувчи топиширигига биноан нима иш қилганини айтади ва қолган укувчиларни ортларидан эргаштиради. Бундай «Изоҳли бошқарув» укувчи мактаб оstonасига қадам қўйган қундан бошланиши керак.

«Таянч сигналлар» иждокори деб танилган В.Ф.Шаталовнинг дарсларида укувчи шахсини рўёбга чиқарувчи, унинг қимлигини, нимага қодирлигини тасдиқловчи дидактик ўйинларга кенг рок берилган.

Буларнинг ҳаммаси дидактик ва педагогик қашфиётлар, бир суз билан айтганда, педагогик технологиялардир.

Педагогик технология қандай усуллар билан уқитилса, натижаси самарали булади, деган саволга жавоб беради. У уз тизимига эга булиб, унда компонентлар кетма-кетлиги, узаро боғлиглиги, бир бутунлиги сақланади.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан қутилган натижага эришилади, вақт тежалади, бу эса педагогик технологиянинг самарадорлиги демакдир. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги эса, ишланган модел бошқа педагоглар эғаллаганда ҳам худди ушундай самара - натижа бериши кераклигини билдиради. Қисқача айтганда, таълим жараёнига янгича ёндашиб, иждокорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга қутарилади, яъни:

- Уқувчининг талаби, мойиллиги, истак-ҳокими унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- Уқувчининг укув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

- билимларни мустақил эғаллаш малакалари шаклланади;

- уз билимини фақат ўзининг бойига олишига ишонч пайдо булади;

- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

- шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Педагогик технологияни расом-уқитувчилар томонидан педагогик маҳоратнинг муҳим тарқибий қисми ҳисобланган педагогик техникасини эғаллашдир. У уз навбатда зарур булган умумий педагогик малакалар мазмунини уз ичига олади.

Педагогик техниканинг муҳим таркибий қисмини бири педагогнинг мимик, пантомимик ҳаракатларидир. Аниқ имо-ишора, юз-қузи, гавда ҳаракати, маъноли қараш, раҳбатлантирувчи ёки табассумнинг педагогик таъсирлари суз билан тушунтиришга қараганда анча самарали муомала воситаси бўла олади.

Педагогик техника рассом-укитувчининг тарбиявий жиҳатдан таъсир курсата олишини таъминлайди. У рассом-укитувчининг қучини, вақтини тежаб, ижодий ишлаши учун шароит яратди. Нутқ маҳорати ҳам педагогик техниканинг энг муҳим, нозик қисми ҳисобланади ва суз билан таъсир курсата олишни такозо қилади.

Педагогик технологиялари сари интилаётган рассом-укитувчи - педагогик ижод қилишни ҳам билиши керак.

Педагогик ижод - бу фан ва санъатнинг яхлитлигидан иборат бўлган фаолият. Педагогик ижод фаолият сифатида янгилик яратиш бўлиб, узининг такрорланмас ижтимоий моҳияти билан ажралиб туради. Педагогик ижоднинг узига ҳослиги, такрорланмаслиги шундаки, унинг маъсули сифатида инсон шахси шаклланади. Педагогика фанида амалий фаолиятни илмий ижоддан фарқини билиш керак. Илмий ижод жараёнида таълим-тарбиянинг аввал номаълум бўлган янги қонуниятлари очилиб, янгича назорат ва услубий счимлар ишланади, бунинг оқибатида ҳозирги замон таълимининг мураккаб муаммолари ечилади. уқитувчи фаолиятида ижод турли шаклларда ва мазмунда намён бўлади.

Педагогик ижод жараёнида таълим-тарбияга бутунлай янгича ёндашиш, янгича шакл, услубий воситалар яратилиши мавжуд бўлган усул, шакллари янги шароитда эгалланишининг асосланиши ёки уларни янги вазибалар талаби асосида такомиллаштириш, назарий ва услубий ҳулосаларни педагогик жараёнга эгаллаш каби босқичларни уз ичига олади.

Амалий ижодий фаолият билан шухулланаётган рассом-укитувчилар учун педагогик ижоднинг энг олий босқичи таълим-тарбияни мутлақо янги, юқори натижа берувчи шакллари яратишдир.

Педагогик ижоднинг энг муҳим шarti шу соҳани билиш, тушуниш, уни севиш, унга жонқуярлик, ташаббус билан ёндашиш-дир. Шу билан бирга уқитувчининг юксак умумий маданиятидир, у энг аввало, уқитувчининг чуқур билим савияси, ҳар томонлама қизиқишлари, юксак ақлий ривожланганлиги, ижтимоий фаоллиги, камтарин, меҳнатсеварлиги, педагогик одоби, жамоа ва уқувчилар билан муомаласи, келажакка ишончи ҳамда ҳушқачқаклик каби ҳислатларнинг мажмуасини уз ичига олади.

Педагогик технология таълим-тарбиянинг ҳамма босқичларида турлича ҳолда мавжуд. Бу турли услубий ишланмалар, фанлар буйича тасвирли-мавузли календар дастурни режалаштиришда, дарслик ва уқув қулланма, яъни уқитиш методикасида ҳам педагогик технология мавжуд.

Шундай қилиб, педагогик технология - таълим-тарбия жараёнини мазмунли амалга ошириш техникасидир.

Адабиётлар

1. Берулава М.Н. Интеграция содержания общего и профессионального образования в профтехучилищах. Теоретиче-ский и методологический аспект. – Томск: Томский университет. 1988, - с. 222.
2. Яковлев И.П. Интеграционные процессы в высшей школе. Л.: Ленинградский университет, 1980. с. 116.
3. Авазбоев О. Ёзув предметлари мазмунини интеграциялаш. Т.: Педагогик таълим, 2003/4. 31-